

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

■■■■■■■■■■ ойининг ■■■■ куни, жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья ■■■■■■■■■■ судья ёрдамчиси ■■■■■■■■■■ котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бухоро шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси ■■■■■■■■■■

■■■■■■■■■■ г иштирокида, судланувчи ■■■■■■■■■■

■■■■■■■■■■ жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

■■■■■■■■■■ миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам: жиноят ишлари бўйича Шофиркон туман судининг ■■■■■■■■■■

йилдаги қарорига кўра, жарима тўлиқ тўланганлиги сабабли ижро иши тугатилган, ■■■■■■■■■■

■■■■■■■■■■ бўлиш тўғрисида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини қонуний муддатда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг ■■■■■■■■■■ билан айбланган.

■■■■■■■■■■, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, 2 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам судланмаган, ишсиз, ■■■■■■■■■■

■■■■■■■■■■, иш бўйича “муносиб ҳулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини қонуний муддатда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг ■■■■■■■■■■

Ҳужжат имзоланган: Наимов Дилшод Кахрамонович, 27.01.2026



Суд, судланувчилар ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчилар [REDACTED] ўзганинг мол-мулкини алдаш йўли билан талон-тарож қилиш мақсадида билан олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, [REDACTED] гўёки Қозоғистон Республикасидаги “ [REDACTED] ўқиганлиги тўғрисида ҳужжатларни тайёрлаб, келгусида шу ҳужжатлар орқали уни Бухоро Инновацион Университетининг 2-босқичи иқтисод йўналишига ўқишга киритиб қўйишни ваъда қилиб, ўзларининг ёлғон гапларига ишонтирган ҳолда [REDACTED] сўмга нисбатан жами қиймати [REDACTED] талаб қилиб,

[REDACTED] алдов йўли билан қўлга киритган вақтида ушланишлари натижасида, ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра жиноий ҳаракатларини оҳрига етказа олмасдан, фирибгарлик жиноятини содир қилишга суиқасд қилишган.

Судланувчи [REDACTED] судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у 2025 йил 11 июль куни таниши унга қўнғироқ қилиб, бир таниши борлигини уни ўқишда киритишга ёрдам беришини айтганлигини, у рози бўлганлигини, ўша куни унга [REDACTED] қўнғироқ қилиб, танишидан телефон рақамини олганлигини ўқишга кирмоқчи эканлигини айтганлигини, кейин [REDACTED] билан учрашганлигини, у ўқишга кирмоқчи эканлигини айтганлигини, шундан сўнг [REDACTED] қўнғироқ қилиб, таниши борлигини ўқишга киришда ёрдам бера олишини сўраганлигини [REDACTED] унга ўқишга киритиб бера олишини фақат Бухоро инновацион институтига ўқишга киритиб билишини, фақат олдиндан бир йиллик контракт пули ҳисобланган 1 [REDACTED] тўлашини, кейинги йилдан контрактни ўзи тўлаб юришини айтганлигини, у [REDACTED] ёзишган смс хабарларни кўрсатиб ўтганлигини, Л.Фаттохова смсларни ўқигач ундан қанақа ҳужжат кераклигини сўраганлигини, у [REDACTED] сўраганида аттестация ва паспорт керак бўлишини айтганлигини, [REDACTED] паспортини унга ташлаб берганлигини, у [REDACTED] ташлаб берганлигини, кейин [REDACTED] қўнғироқ қилиб, ундан қаерда эканлигини сўраганлигини, унга ишлари билан юрганлигини айтганлигини, кейин у унга офиснинг олдида кутишини айтганлигини, шундан сўнг у аёл билан [REDACTED] [REDACTED] уни кутиб турганлигини кўрганлигини, улар хона ичига кирганлигини, у ерда киргач [REDACTED] унга коллеж дипломини бериб, ичида пуллари ҳам борлигини айтганлигини, у дипломини олиб стол устига қўйиб, дипломини ичини очиб иловаси борлигини кўриб қайтиб ёпганлигини, [REDACTED] кетишини айтиб, эшикдан чиқиб кетганлигини, сўнг орган ходимлари келишганлигини, мутахасис қўлидан суртма олганлигини, ўша



вақтда қўлидан суртма излари чиққанлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи

унга қўнғироқ қилиб, бир таниши борлигини уни Бухоро шаҳридаги Инновацион институтига 2-курсга ўқишга киритиш кераклигини айтганлигини, унга ўқишини тайёрлаб бўлишини, хориждаги иснтитутларда ўқиганлиги тўғрисида ҳужжат тайёрлаб кейин бу ерга кўчириш мумкинлигини айтганлигини, унга қанча бўлишини сўраганлигини, унга бўлишини билдирганлигини, сўм беришини айтганлигини, у рози бўлганлигини, шундан кейин унга ўша танишининг дипломи, паспорт нусхаси ва онлайн рўйхатдан ўтиш учун унинг телефон рақамини сўраганлигини, кейин ўша вақтда Хоразмга ўзининг ишлари билан борганлигини, паспорт нусхасини ташлаб берганлигини, кейин бу унга қўнғироқ қилиб, пул тайёр эканлигини айтганлигини, унга Хоразмда эканлигини айтганлигини, кейин унга клик қилишини айтганлигини, у пулни ўзига бермоқчи эканлигини айтганлигини, шундан кейин унга бўлмаса Бухорога борганида бериши ҳақида айтганлигини, ўзининг ишлари билан 10 кунча юриб Бухорога келганлигини, яна қайтиб бу орада бир неча бор қачон келиши ҳақида сўраб телефон қилганлигини, кейин Бухорога келганидан кейин қўнғироқ қилганлигини, автотураргоҳида учрашганлигини, шундан кейин ўзларини Департамент ходимлари деб таништирган ходимлар унга масаласида бўлган ҳолатларни уни аризаси бўйича тезкор тадбир бўлганлигини шу масалада улар билан боришини айтишганлигини, кейин улар билан бирга боришганлигини, у бундан олдин бирон-бир шахсни олий таълим муассасасига ўқишга киритмаганлигини, Бухоро шаҳар “Инновацион” институтига 2 курсдан бошлаб ўқишга киритиб қўйишини айтганлигини, институтига 2 тамомлаганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни тайёрлаб “Инновация” институтига топширмоқчи бўлганлигини, у номидаги институтнинг 1-курсини тамомлаганлиги бўйича ҳужжат тайёрлаб бермоқчи бўлганлигини, у номидаги институтнинг 1-курсини тамомлаганлиги бўйича ҳужжатни компьютер техникасидан фойдаланиб ҳужжат тайёрлаб бермоқчи бўлганлигини, у хорижий давлат институтининг 1-курсини тамомлаганлиги бўйича ҳужжат тайёрлаб, уни Бухоро шаҳридаги “Инновацион” институтига давом эттириши учун сўмга келишганлигини, демаганлигини, унга фақат бўлишини айтганлигини, пулларни олгандан кейин ўзининг эҳтиёжларига сарфламоқчи



бўлганлигини, айбини тан олишини, қилмишидан пушаймонлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ [REDACTED] судда, у дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлашини, 2025 йил 12 июль куни Департаментнинг Бухоро вилоят бошқармаси олдидан ўтиб кетаётган вақтида унинг олдида Департаментнинг Бухоро вилоят бошқармаси ходимлари келиб, бир ишда холис сифатида иштирок этишини сўраганларида унинг таклифига рози бўлганлигини, улар билан биргаликда Департаментнинг Бухоро вилоят бошқармаси биносига келганлигини, Департаментнинг Бухоро вилоят бошқармасига 2025 йил 12 июль куни [REDACTED] ариза билан мурожаат қилиб, ўз аризасида Бухоро шаҳрида яшовчи [REDACTED] исмли шахс юқори ваколатли танишлари орқали [REDACTED] ўқиганлиги тўғрисида хужжат тайёрлаб бериш ва 2-босқичдан Бухоро инновацион институтига ўқишни давом эттиришни ваъда қилиб, эвазига [REDACTED] талаб қилиб келаётганлигини билдириб унга нисбатан қонуний чора кўришни сўраганлигини, аризани текшириш мақсадида тезкор тадбир ўтказиш учун Департаментнинг Бухоро вилоят бошқармаси томонидан 2025 йил 12 июль куни [REDACTED] тадбирда фойдаланиш учун жами 1200 АҚШ доллари берилганлигини, шундан сўнг [REDACTED] ўзининг телефонидан Умид исмли шахснинг телефон рақамига қўнғироқ қилганлигини, унга келишилган пуллар тайёр эканлигини ва ушбу пулларни қаерга олиб боришини сўраганида Умид Бухоро шаҳар Пиридагир кўчасида жойлашган офисида етиб боришини ва Л.Фаттоховани ўша ерда кутиб туришини айтганлигини, сўнг шу куни соат 13:35 ларда [REDACTED] ўқиш” ёзувлари ёзилган [REDACTED] исмли шахснинг офисига боришганлигини, Л.Фаттохова автомашинадан тушиб, офисга киравериш эшиги олдида [REDACTED] исмли шахсни кута бошлаганлигини, орадан 5-10 дақиқа вақт ўтгач [REDACTED] келганлигини, сўнг улар [REDACTED] билан биргаликда бинонинг ичига киришганлигини, шундан сўнг орадан 10-15 дақиқа ўтиб, [REDACTED] ишорани берганлигини, сўнгра тезкор ходимлар “Хитойга ўқиш” ёзувлари ёзилган офиснинг ичкарасига киришганлигини, [REDACTED] аризаси юзасидан тезкор тадбир ўтказилаётганлигини айтиб, ҳолат юзасидан ундан сўрашганида [REDACTED] 1-курсни тугатганлиги тўғрисида хужжатларни тайёрлаб бериши ва 2-курсдан ўқишини Бухоро шаҳридаги инновацион институтига ваколатли танишлари орқали киритиб қўйиш [REDACTED] доллари миқдоридаги пулларни олганлигини ва ушбу пуллар [REDACTED] тегишли бўлган бошланғич профессионал таълим дипломининг ичида эканлигини билдирганлигини ва [REDACTED] тақдим қилганлигини билдириб кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, ҳимоячи адвокатнинг фикрларини, судланувчиларнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб, [REDACTED] жиноят содир этганликдаги айблари, ўзларининг судда айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, оғзаки аризани қабул қилиш



баённомаси, билдирги, пулларга ишлов бериш ва уларни аризачига топшириш ҳақидаги баённомаси ва фотолавҳалар, тезкор эксперимент тадбирини ўтказиш тўғрисидаги баённомаси ва фотолавҳалар, электрон маълумотларни ихтиёрий тақдим қилиш ва кўздан кечириш баённомаси, [REDACTED]

[REDACTED] хулосаси ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа ёзма далиллар билан тўлиқ исботланган деб топади.

Суд, судланувчилар [REDACTED] жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг [REDACTED] тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчиларга нисбатан жазо тайинлашда, амалдаги қонун талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан берилган тушунтиришларга қатъий амал қилишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги “Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 4-сонли Қарорининг 9-бандида, судлар шунга эътибор беришлари керакки, Жиноят кодекси Махсус қисмининг қатор моддалари нормаларида муайян шарт мавжуд бўлиб, унга кўра: ЖК 167, 168, 180, 181, 181¹, 184, 185², 192⁴, 192¹¹-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун - жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, маҳкумга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг қўлланилиши истисно этилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 1-бандида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши ҳақида; 3-бандида, жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд, [REDACTED] жазо тури ва миқдорини тайинлашда, унинг қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасини ва содир этилган жиноятнинг характерини, унинг айбига қисман иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини, оилавий аҳволини, 2 нафар фарзанди борлиги, етказилган зарар мавжуд эмаслигини унинг жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблашни, ЖКнинг 56-моддасида кўрсатилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини инобатга олиб, [REDACTED]

[REDACTED] гарчи судланувчи



_____ судининг _____ йилдаги ҳукмидан олдин жиноят содир қилган бўлса-да, у жазони тўлиқ ўтаганлигини (жаримани тўлиқ тўлаганлиги) сабабли унга нисбатан ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида жазо тайинламасликни лозим топади, шунингдек, _____ жинойий қилмиш мансабдорлик ёки моддий жавобгарлик билан боғлиқ ҳолда содир қилинмагани, у давлат иштирокидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда мансабдор ва моддий жавобгарлик юклатилган шахс лавозимларида ишламаслигини инобатга олиб унга нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш қўшимча жазо чорасини қўлламасликни лозим топади.

Суд, _____ азо тури ва миқдорини тайинлашда, унинг қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасини ва содир этилган жиноятнинг характерини, унинг айбига тўлиқ иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини, оилавий аҳволини, қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзандлари борлиги, муқаддам судланмаганлигини, етказилган зарар мавжуд эмаслигини унинг жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблашни, ЖКнинг 56-моддасида кўрсатилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси _____

_____ доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, _____ жинойий қилмиш мансабдорлик ёки моддий жавобгарлик билан боғлиқ ҳолда содир қилинмагани, у давлат иштирокидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда мансабдор ва моддий жавобгарлик юклатилган шахс лавозимларида ишламаслигини инобатга олиб унга нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш қўшимча жазо чорасини қўлламасликни лозим топади.

Суд, ашёвий далил деб эътироф қилинган, 1 дона ДВД диск, электрон жисмдаги маълумотларни кўздан кечириш ва қўйиб эшиттириш баённомалари жиноят иши ҳужжатлари билан бирга қўшиб сақлашни, 1 _____ олишни, _____ ўнг ва чап қўлларида олинган суртма намуналари ушбу ҳукми қонуний кучга киргач йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473–моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

_____ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг _____

_____ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг _____



